

АУТСОРСИНГ ТАЛАБЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 январдаги 16-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти Перинатал маркази беморларини 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш талаб этилади.

Жумладан, эрталабки нонушта 8:00 да, тушлик 13:00 да, кечки овқат 17:00 да (Манний ёрмаси, овсянка, гуручли бўтқалар, компот, гўшт ва гўшт махсулотлари, сут, творог, сметанадан иборат кальций витаминларга бой овқатлар) ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланган таомнома асосида ҳар бир бемор ташхиси бўйича стол ташкил этилади ва шу асосида меню тузилиб, беморларга таом тайёрланади ва брокераж аъзолари томонидан кунлик назорат ўрнатилади. Порциялар сони ўзгарувчан бўлиб, шифохонага келган, даволанаётган беморларни ҳақиқий сонига қараб, ҳисоб-фактура асосида ҳисобланади.

Синов муддати: 2 ой.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтган 3016- сонли Низоми ва 2021 йил 22 апрелдаги 681-сонли Қонунига асосан, комиссия аъзолари томонидан критерия асосида электрон тартибда танлаш йўли билан амалга оширилади. Бу ҳужжатлар критерияга асосан баҳоланади.

Конкурсда иштирок этувчи талабгорларнинг бугунги кунда фаолият олиб бораётганлиги тўғрисида маълумотнома, инсофсиз етказиб берувчилар реестрида турмаслиги тўғрисида маълумотнома, ДСИдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома, айланма маблағлари тўғрисида банк маълумотномаси бўлиши шарт.

Танловда иштирок этиш истаги борлар бир ҳафталик таомнома калькуляцияси ва тижорат таклифини тақдим этиш шарт.

Тошкент вилояти Перинатал маркази

